ПИЛЛАЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ◆ 6 июнь 1968 йил, пайшанба ◆ № 130 (13.992). ◆ Баҳоси 2 тийин

САМАРҚАНД ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

Ҳукумат юбилей комиссияси билан Самарқанд область партия комитети бюросининг қўшма мажлиси Самарқанднинг 2500 йиллигига тайёргарлик ва бу юбилейни ўтказиш масалаларига бағишланди. Мажлисда энг муҳим саноат корхоналари, коммунал, маданий-маиший иншоотлар қурилиши қандай бораётганлиги қараб чиқилди. Ана шу корхона ва иншоотлар шаҳар юбилейи арафасида ишга туширилиши керак. Ҳукумат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Н. Ҳаитов, министрликлар ва идораларнинг раҳбар ходимлари ахборот беришди.

Капрон плашчлар фабрикаси, чинни идишлар заводи, кўп қаватли «Интурист» меҳмонхонаси, янги аэровокзал ва унинг меҳмонхонаси, бошқа иншоотлар ва уй-жой бинолари қурилишининг аҳволи батафсил қараб чиқилди.

Қабул қилинган қарорларда қурилаётган саноат ва коммунал-маиший корхоналар, уй-жой бинолари қурилишининг аҳволи батафсил қараб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИНИНГ IX СЪЕЗДИГА

Қадрли ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика рассомлари тўққизинчи съезднинг делегатларини ва улар орқали Ўзбекистон тасвирий санъатининг барча арбобларини қизғин табриклайди.

Совет тасвирий санъати воқеликни тасвирлашда юксак ғоявийликни ҳаққонийлик билан, тарихий конкретлик билан уйғунлаштиргани ҳолда чинакам инсонпарварликка эга бўлиб, партиянинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини кучайтириш учун олиб бораётган курашида муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон рассомлари социалистик реализм санъатининг партиявийлиги ва халқчиллигининг барқарор принципларига амал қилиш билан ўз ижодларида бир талай муваффақиятларга эришдилар. Совет давлатининг 50 йиллигига бағишланган «Социалистик Ўзбекистон санъатда» юбилей виставкаси Совет Ўзбекистони рассомларининг ижодий фаолиятида ўтган йиллар мобайнида қўлга киритилган ажойиб якун бўлди. Бу виставка тасвирий санъатда социалистик реализм принципларининг гантанасини, республика рассомларининг профессионал маҳорати ўсганлигини яққол намойиш қилди. Тасвирий санъат арбобларининг халқ ҳаёти билан алоқалари кенгайди ва мустаҳкамланди ,тасвирланаётган нарсаларга берилаётган эстетик баҳо хилма-хилроқ бўлиб қолди, асарларининг эмоционал тасвири юксалди.

Тасвирий санъатни янада ривожлантириш вазифалари Ўзбекистоннинг барча ижодкор ходимларидан ҳаётни тағин ҳам кўпроқ активлик билан ўрганишни, янги реалистик услуб ва формаларни, бадиий тасвирнинг янги воситаларини янада кўпроқ диққат билан изланишни талаб қилади. Халқимиз коммунизм қурилишининг пафосини, совет кишисининг қаҳрамонона меҳнатини, унинг маънавий ҳаёти, фикр ва интилишларини ҳаққоний акс эттирадиган салмоқли асарлар яратишни рассомлардан кутмоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика рассомларининг тўққизинчи съезди ишида муваффақият тилайди ва Ўзбекистон тасвирий санъат арбоблари шонли сана — В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, ўз истеъдодларининг бутун кучини давримизнинг улуғворлиги ҳамда гўзаллигини илҳомбахш ва ёрқин акс эттирувчи асарлар яратишга сарфлайдилар ва коммунизмнинг юксак ғоялари учун партия олиб бораётган курашда бундан буён ҳам унинг актив ёрдамчилари бўлиб қоладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ЁРДАМЧИСИ

Ўзбекистон рассомлари ўзларининг IX съездига тўпландилар. Навбатдаги бу съезд маълум даражада юбилей съездига ҳам ўхшаб кетади. Бундан роса ўттиз йил илгари рассомларнинг биринчи ташкилий съезди бўлган эди. Бу съезд гарчи республика рассомларининг кейинги йилдаги ишларига якун ясаса ҳам, бу якунлар ўттиз йиллик фаолиятнинг натижаларидир.

Ўзбекистон рассомларининг IX съезди 5 июнда ўз ишини бошлади. Съездни СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев очди.

Заднинг гулдурос қарсаклари остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг республика рассомлари IX съездига табрикномаси ўқиб берилади. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов ўқиб беради.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси Р. А. Аҳмедов «Санъатнинг ғоявийлиги ва партиявийлиги учун кураш» тўғрисида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР бадиий фонди правлениесининг раиси Л. А. Абдуллаев шу фондининг иши тўғрисида доклад қилди. Ревизия комиссиясининг раиси Н. Н. Гроссман шу комиссиянинг докладини қилди.

Съезднинг ишида Москва ва қардош республикаларнинг рассомлари қатнашмоқдалар.

(ЎзТАҒ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

5 июнда республика рассомларининг катта бир группасига Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонлари — халқ рассоми, хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонларини бериш тўғрисидаги ёрлиқлар топширилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев унвонларни бериш тўғрисидаги фармонни ўқиб берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин мукофотланганларга унвонлар бериш тўғрисидаги ёрлиқларни топширди. А. С. Абдалин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан рассомларни қизғин табриклади ва уларга сиҳат-саломатлик ҳамда янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Мукофотланган рассомлар маданият арбобларига катта эътибор қилаётганликлари учун, уларнинг меҳнатига юксак баҳо бераётганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилдилар.

(ЎзТАҒ).

РЕСПУБЛИКА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, пилла етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 17182 тонна пилла топширилди. Бу, бултур шу муддатгача тайёрланган пиллага нисбатан 2100 тонна кўпдир.

Республика пиллачилари бу йил баҳорда об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги туфайли юз берган қийинчиликларни бартараф этиб, ипак қурти уруғи боқишнинг прогрессив усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, мўл пилла ҳосили етиштирдилар. Ҳар қути уруғдан ўрта ҳисобда 60 килограммдан пилла териб олинди. Бултур шу муддатда эса ҳар қути уруғдан 52 килограммдан пилла териб олинган эди.

Давлатга пландан ташқари кўп миқдорда юқори сифатли пилла топширган Сурхондарё, Бухоро, Фарғона, Наманган, Хоразм, Андижон, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон Автоном республикасининг хўжаликлари планни ва социалистик мажбуриятларини биринчилар қатори адо этдилар.

Пилла топшириш планини барвақт бажарган Жўрқўрғон, Термиз, Қарши, Қоракўл, Тўрткўл, Денов, Ўзбекистон, Урганч, Янгиариқ, Свердлов, Жиззах, Ромитан, Иштихон, Ленинград, Наманган, Уйчи, Нарпай, Поп, Янгиқўрғон, Сариосиё, Олтиариқ, Хива, Киров, Риштон, Беруний, Андижон, Москва ва бошқа кўпгина районларнинг пиллачилари беш йилликнинг учинчи йилида катта муваффақиятларга эришдилар.

Кўпчилик колхоз ва совхозлар рекорд ҳосил олдилар. Хўжаобод районидаги «Ленин йўли» колхози ҳар қути уруғдан 84 килограммдан, Москва районидаги Ленин номли колхоз 75 килограммдан, Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз 71 килограммдан пилла олди.

Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхознинг илғор пиллачиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Холматова уч қути уруғнинг ҳар қутисидан 126 килограммдан, Ленинград районидаги К. Маркс номли колхознинг машҳур пиллачиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреати О. Султонова ҳар қути уруғдан 125 килограммдан, Қува районидаги Жданов номли колхоздан И. Қаюмова, Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозидан Ш. Жўраева, Андижон районидаги Карл Маркс номли колхоздан К. Абдуллаева, Ленин районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Х. Сайфутдинова, Қарши районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан С. Ражабова, Косон районидаги Косон совхозидан Р. Отаназарова ва бошқа кўпгина уста пиллачилар ҳар қути уруғдан 100-120 килограммдан юқори сифатли пилла териб олдилар.

Уруғ заводларининг ишчилари ва мутахассислари яхши меҳнат қилишди, улар республика колхоз ва совхозларини юқори сифатли уруғ билан таъминлашди.

Давлатга пилла топшириш давом этмоқда.

Республика колхоз ва совхозлари бу йил давлатга пландан ташқари камида 1600 тонна пилла сотиш мажбуриятини олдилар.

ВАТАНГА ТУҲФА

Ўзбекистон — СССРнинг асосий пахта базаси бўлиши билан бирга «кумуш тола» кони ҳамдир. Республикамиз пиллачилари мамлакатга энг кўп қиймматбаҳо хом ашё етказиб бериш билан фахрланадилар. Шунинг учун ҳам улар ўз насбларини севадилар, оналари, момоларидан азалий мерос қолган ипак қурти боқишнинг чинакам миришкорлари эканликларини амалда исбот этишга интиладилар.

Бу йўлда қилинаётган ижодий меҳнат тобора яхши самара бермоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг пиллачиларга қилаётган катта ғамхўрлиги, илғор пиллачилар ва новаторларнинг қуртни тезкорлик билан боқиб, уни 20-22 кунда пилла ўрашга киритиш усули республикамизда оммавий ҳаракатга айланиб кетиши, пиллачиликнинг озуқа базаси тобора мустаҳкамланиши, мутахассис кадрларнинг кўплаб етишиб чиқиши туфайли сўнгги йилларда баҳорги қурт боқишнинг ўзидан пилла тайёрлаш давлат плани муваффақиятли бажарилмоқда.

Пиллачиларимиз бу йил айниқса жасорат кўрсатдилар. Об-ҳаво ипак қурти боқиш учун анча ноқулай келди. Баъзи жойларда, чунончи, Тошкент областида тут баргининг бир қисмини совуқ уриб кетди. Қурт боқишнинг айни қизғин, нозик палласида ёққан дўл, жала, сел пахтакорларни шошириб қўйди. Шундай бўлса ҳам улар қуртни маромида боқиб, пилладан мўл ҳосил етиштирдилар.

Республикамизда пилла тайёрлаш плани бажарилди. Давлат ўзбек диёридан 17182 тонна «кумуш тола» қабул қилиб олди. Бугунгача республикамизнинг Фарғона, Бухоро, Наманган, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва Андижон областлари, Қорақалпоғистон АССР планини тўлдириб, қўшимча олган мажбурияти ҳисобига пилла топширмоқда.

Илғор пиллачиларнинг қўлга киритган ютуқларини кўрсатиш нақадар кўнгилли. Ипакчилар макони бўлган Фарғона давлатга салкам тўрт минг тонна пилла армуғон этди. Фарғоналиклар бир қўллари билан табиий офатдан зарарланган пахта майдонларига чигит қадаб, ниҳолларни парвариш қилган бўлсалар, иккинчи қўллари билан қуртларга барг кесдилар, пилла тердилар. Лекин ҳосилдорлик ўтган йилдагидан намаймади, балки кў- пайди. Республикада энг кўп — 705 тонна пилла топширган Фарғона областининг Охунбобоев райони пиллачилари чинакам қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар.

Новатор пиллачилар — бухоролик Ҳурмат Тешаева, Фарғоналик Олиҳон Султоновалар бу йил ҳам ўз анъаналаригa содиқ қолиб, пилладан ренорд ҳосил олдилар. Олиҳон Султонова бошлиқ звено уч қути уруғ ҳисобига 376 килограмм «кумуш тола» топширди. Бу устоз пиллачиларнинг юзлаб шогирдлари ҳар қути уруғдан 100 килограмм ва ундан кўп ҳосил кўтариб, республика пилла хирмонига катта ҳисса қўшдилар.

Қабул пунктларига пилла тўхтовсиз келиб турибди. Планни бажарганлар ҳам суръатни бўшаштирганлари йўқ. Маррага етганлар ўз устларига олган қўшимча мажбуриятни ҳам тез кунда бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ленин Самарқанд, Сирдарё, Тошкент областлари, бир қанча район, колхоз ва совхозлар ҳали маррага етгани йўқ. Вазифа, ҳамма жойда планни тўлдиришга эришишдан, республикамиз пиллачилигини умумий ривожлантиришга, ўтган йилдагидан ҳам кўп маҳсулот етиштиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Давлатга пилла сотишнинг ўзидан Фарғона областининг пиллачилари 10 миллион сўмдан ортиқ, Хоразм области 4,5 миллион сўм даромад қилди. Партия ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ бу даромадни асосан пиллачиларнинг ўзлари оладилар. Пилла — етти хазинанинг бири. Унга бундай баҳо берилиши бежиз эмас. Пилла қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотнинг энг қимматлисидир. Қуртнинг энг охиригисигача қунт билан парвариш қилинса, бўлиқ пилла ўратиш мумкин. Шунинг учун бу хазинадан самарали фойдаланиш керак. Ленин баъзи ҳолларда ғалаённинг тагида қолган кенжа қуртларга эътибор берилмайди. Бундай ҳол кўпинча план бажарилган жойларда содир бўлади. Натижада нормал ривожланмаган, баргга тўймаган қуртлар стандарт сорт пилла ўрамайди. Паст сорт пилланинг баҳоси эса жуда арзон бўлади. Бинобарин, умумий пилла ҳосилини кўтариш учун битта ҳам қуртнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик, кенжа қуртларни ажратиб олиб, яхши парвариш қилиш, улардан юқори сифатли пилла олиниши- га эришиш лозим.

Баҳорги қурт боқиш ҳисобига ҳамма область, район, колхоз ва совхозларда пилла тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилишига эришайлик. «Оқ олтин» диёримизнинг мўл-кўл «кумуш тола»си сенга, Ватан!

РЕСПУБЛИКАМИЗ пиллакорлари эришган ғалабага Олтиариқ районидаги «Ленинград» колхози фидокорлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Суратда: илғор звено бошлиғи **Робия Файзуллаева.**

Г. Бойко фотоси,
(ЎзТАҒ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика саноатини ривожлантиришдаги узоқ йиллик, фидокорона меҳнатлари ва катта хизматлари учун Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг энг кенса ишчиларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

СУРАТДА: рассомлар съезди қатнашчиларидан бир группаси. (Чапдан) К. Ҳайдаров — Ўзбекистон халқ рассоми, Ю. И. Елизаров — хизмат кўрсатган санъат арбоби, У. Тўрақулов — Ўзбекистон халқ рассоми, Р. Тимуров — хизмат кўрсатган санъат арбоби, З. М. Ковалевская — Ўзбекистон халқ рассоми, Х. Раҳмонов — рассом.

И. Глауберзон фотоси.

БУРЧ

ТАЖРИБАКОРЛАР СЎЗЛАЙДИ

Бригадамизда зиммага олинган мажбуриятни бажариш учун самарали иш қилинмоқда. 50 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилапти. Хусусан, 25 гектардаги янгичка толали ғўзамизнинг ривожи яхши, кун сайин бўйига бўй қўшилаётир.

Маълумки, ғўзани биринчи суғориш — ғоят нозик иш. Уни оби-тобида ҳамда ўз вақтида ўтказиш — юксак агротехника тадбиридир. Буни ўз тажрибамизда синаб кўрганмиз. Экинга барвақт ва қондириб сув тараш ҳосилдорликни оширади, чанқатиш эса, дастлабки шоналарнинг тўкилиб кетишига ёки ғўзанинг кечикиб шонага киришига сабаб бўлади.

Экин тақдири сувчининг қўлида; унинг ғайрат-ташаббуси, идроки, дид ва виждонига боғлиқ. Сувчи ҳамма вақт ғўза меҳри билан яшаши, уни авайлаши ва ҳар туп экинни қондириб суғориши керак. Бу — сувчининг бурчи! Чунки, сувчи ҳосил яратувчидир.

Мен кўп йиллардан бўён сувчилик қиламан. Олинган юксак мажбуриятни ошириб бажаришга ўз ҳиссамни қўшиб келяпман. Меҳнатим муносиб тақдирланмоқда. 1966 йилда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг «Уста сувчи» значоги билан мукофотландим. Ўтган йили ҳам бригадамизда экинларни қондириб, агротехника кўрсатмаларига асосан суғордик. Ҳосил мўл бўлди, мажбурият ошириб бажарилди.

Шу кунларда мен ва мусобақадошларим янада янги куч ва ғайрат билан меҳнат қиляпмиз. Ҳар бир литр сувнинг қадрига етиб, пушталарни қорайтириб суғорамиз. Мен икки сменада ишлаб, суткасига қарийб бир гектар ердаги ғўзани суғоряпман. Ҳозиргача 10 гектар ердаги ғўзага об-ҳаёт тарадим.

Ғўзани суғоришда ўқ ариқ ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун биз ҳар бир картага сув олишдан илгари ундаги ўқ ариқларни қўздан кечирамиз, сувни фақат тўғри, ҳамда мустаҳкам олинган ўқ ариқ орқали оқизиб, эгатларга тараймиз. Бу ишда Намоз Зайниев, Юсуф Ғаниев ўртоқлар ҳам катта ғайрат кўрсатяптилар.

Шуни айтиш керакки, суғоришнинг сифати кўп жиҳатдан механизаторга ҳам боғлиқ. Агар у эгатни чуқур ва текис олса, сув бир меъёрда жилдираб оқади. Аксинча бўлса, ғўза кўллайди, экин нобуд бўлади. Бригадамизнинг азамат механизатори ўртоқ Ғулом Салимов ҳалол меҳнат қилмоқда. Эгатларни қатор оралари бўйлаб тўппа-тўғри қилиб олянти. Чуқур ҳамда равон тортилган эгатлардаги ғўза қониб сув ичяпти.

Биз ғўзанинг сувга бўлган талабини ҳисобга олиб, биринчи суғоришни 5-6 кунда тугалламоқчимиз. Суғоришда сифатга катта эътибор бераётирмиз. Бу эса, экин парваришини ўз вақтида ўтказиш, зиммага олинган мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш имконини беради.

Э. СИДДИҚОВ.
Бухоро область, Ғиждувон районидаги «Ленинизм» колхозининг 14-бригада сувчиси.

Ҳурмат тахтаси

Давлатга пилла топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзиладилар.

Хива райони (район партия комитетининг секретари **К. Раҳмонов**, район ижроия комитетининг раиси **Н. Худойберганов**, район комсомол комитетининг секретари **З. Курбонов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **У. Мадаминова** ўртоқлар).

Сариосиё райони (район партия комитетининг секретари **Н. Эшматов**, район ижроия комитетининг раиси **К. Қўзимуротов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Мирзаев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **С. Отаҳонов** ўртоқлар).

Олтиариқ райони (район партия комитетининг секретари **Т. Мирзаматов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Маматхонов**, район комсомол комитетининг секретари **К. Шодмонов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **З. Абдурасулов** ўртоқлар).

ШЕРОБОД КАНАЛИ ҚУРИЛИШИДА

Сурхон водийсининг ерлари унумдор. Гап ана шу ерлардан фойдаланишда. Совет ҳокимияти йилларида бу водийда кўпгина ирригация иншоотлари қурилди. Бундай ирригация объектларини тиклаш ҳозир ҳам қизғин давом эттирилмоқда. Сурхондарё областидаги Шеробод магистрал канали шулардан бири. Каналдан ҳозир қариб 40 минг гектар қўриқ ер сув оляпти. Канал бутунлай қурилиб бўлгач, у 100 минг гектарга яқин унумдор ерларни суғоради. Канал Жанубий Сурхон сув омборидан бошланади. Суратларда: (чапдан) — 1. Шеробод каналининг чап тармоғи қурилишида. 2. Каналнинг бош иншооти. 3. Қурилиш мастери комсомол аъзоси Зинаида Орлова. 4. Улкан иншоот қурилишида мардона меҳнат қилаётган пешқадам пайвандчилардан Александр Апраксин, Николай Клиндуков ва Геннадий Збарский ўртоқлар.

Н. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ).

Расмий хабарлар

АФҒОНИСТОН ПОДШОСИ БИЛАН МАЛИКА МОСКВАДА

Москвага келган Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ малика Умайра ва уларга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар 4 июнда В. И. Ленин мавзолейига бордилар ва гулчамбар қўйдилар.

Шу куннёқ Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний на СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ билан суҳбатлашдилар. Дўстона ва самимий вазиятда ўтган суҳбат вақтида Совет — Афғонистон муносабатларини янада ривожлантириш масаласи хусусида, шунингдек ҳозирги халқаро аҳволнинг ҳар икки томонни қизиқтирган баъзи актуал проблемалари ҳақида фикрлашиб олинди.

Афғонистон подшоси Афғонистон билан дипломатик муносабатда бўлган давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини қабул маросимлари уйида қабул қилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган қабул маросими вақтида подшо Муҳаммад Зоҳир шоҳ ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзладилар.

Афғонистон подшоси ва унинг ҳамроҳлари Останкино телевизион минорасини бориб кўрдилар.

Меҳмонлар кечқурун Кремлдаги Съездлар саройида «Дон Кихот» балетини томоша қилдилар. Афғонистон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган ложада меҳмонлар билан бирга Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ва бошқа расмий кишилар ҳам бор эдилар.

* * *

Малика Умайра 4 июнда Москва пионерлар саройида бўлди. (ТАСС).

ЧССР МИЛЛАТ МАЖЛИСИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Чехословакия Социалистик Республикаси Миллат Мажлисининг Раиси, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Йозеф Смрковский бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси Миллат Мажлисининг делегацияси СССР Олий Советининг таклифига биноан расмий жавоб визити билан 4 июнда Москвага келди.

Чехословакия Социалистик Республикаси ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида чехословак халқининг вакилларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. А. Ясков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Ю. И. Палецкис ва бошқалар кутиб олдилар. (ТАСС).

АФҒОНИСТОН ПОДШОСИ ВА МАЛИКА МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан дўстона визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳиршоҳ ва малика Умайра 5 июнда Москвадан Тбилисига жўнаб кетдилар. Улар Грузия пойтахтида бир оз вақт туриб, сўнгра Кавказнинг Қора денгиз соҳилига бориб дам олдилар, кейин эса ватанларига жўнаб кетдилар.

Н. В. Подгорний рафиқаси билан, А. Н. Косигин, Ю. В. Андропов ва бошқа расмий кишилар Внуково аэродромида олий мартабали меҳмонларни кузатиб қўйишди. (ТАСС).

ОТАШИН КУРАШЧИ

В. В. КУЙБИШЕВ ТУҒИЛГАНИГА 80 ЙИЛ ТЎЛДИ

<> <>

«Ўртоқ Куйбишев партия ва ишчилар синфи душманларига нисбатан муросасиз пролетар революционери, ишчил ленинчи, коммунизм иши учун фидокор курашчи намунаси эди». Ушбу сатрлар Валериан Владимирович Куйбишев вафоти муносабати билан ўттиз уч йилдан зиед аввал партия Марказий Комитети эълон қилган таъзияномада айтилган. Бир умр коммунизм ёғи билан яшаган, ишлаган, курашган Куйбишев қирқ етти ёшида вафот этди. Бинобарин, агар барҳаёт бўлганида шу кезларда, бугун саксон ёшда бўлур эди.

Валериан Владимирович Куйбишев 1888 йил 6 июнда Омск шаҳрида офицер оиласида туғилди. Харбий мартаба онла назидда юқори қадрланганидан Валерий ҳам шаҳардаги кадетлар корпусига берилди. Уни ўн етти ёшида тугатди. Не ажабки, у ҳали ўн олти ёшидаёқ РСДРПнинг Омск ташкилотига аъзо бўлиб кирган, большевиклар фракциясига қўшилган эди. Кадетлар корпусини тугатган йили Петербургга келиб, кузда харбий-медицина академиясига кирди. Лекин бу ерда ҳам унинг асосий нияти ва фаолияти тамомила ўзгача эди. Куйбишев пойтахт большевиклар ташкилоти билан боғланди, марксистик адабиёт тарқатишга киришди. Москвадаги 1905 йилги қўзғолон учун қурол тўплаш ва ташишда қатнашди. Революцион фаолияти учун ярим йилдан сўнг академиядан чиқарилди. У Омскка қайтиб келган 1906 йили профессионал революционер эди. РСДРПнинг Омск комитетига аъзо бўлди, революцион ишга фаол киришиб кетди.

Эндигина ўн саккиз ёшни тўлдирган оташқалб, эркпарвар, ишчилар синфи ва бутун меҳнат аҳли озодлиги учун онгли курашчи Куйбишевнинг чинакам революционерлик ҳаёти бошланди. 1906 йил ноябрда қамоққа олиниб, Томск губернясининг Каинск шаҳрига сургун қилинди. Шундан бошлаб Валериан Владимировичнинг боши то 1917 йилги февраль революциясига қадар қамоқ ва сургунлардан, каторга ва полиция назоратидан сира чиқмади. Февраль революцияси тўғрисидаги хабар унга етганида Куйбишев олис Турухан ўлкасига беш йил муддатга сургунга жўнатилаётган эди. Халқ революцияси туфайли озод бўлган Куйбишев дарҳол Самарага етиб келди. У март ойидаёқ шу ерда эди. РСДРПнинг Бутунроссия апрель конференциясида қатнашди. 1917 йилнинг шонли Октябрь кунларида Самарадаги қуролли қўзғолон ташкилотчиси бўлди.

Валериан Владимировичнинг Улуғ Октябрь арафаси ва ундан сўнгги дастлабки фаолияти Самара шаҳри билан кўпроқ боғланган эди. У революцион кураш тақозоси ва Ленин партияси иродаси билан Москва ва Петербургда, Омск ва Харьковда, Вологда ва Тамбовда, мамлакатнинг бошқа кўп жойларида, Сибирнинг кўп ўлкаларида, ҳатто Камчатканинг Петропавловск шаҳрида бўлди.

Куйбишев халқ ҳаётини чуқур билган, унинг эзгу тилаклари, порлоқ орзулари билан яшаган, курашган улуғ жангчи эди. Унинг Октябрь революциясидан аввалги курашининг ғоят муҳим бир жиҳати шунда эдики, у бошданоқ халқ бахтсаодати учун онгли, билимдон курашчи бўлишга интилди. Марксизмни эгаллашга астойдил киришди. Умумий маълумотини оширишга тинмай ҳаракат қилди. Валериан Владимирович 1909 йил апрелида нолегал китоблар олиб туришда айбланиб, Каинскда қамоққа олинади, беш ой қўлга камерада ўтиради. Қамоқдан чиқиши биланоқ ўша йили кузда Томск университетининг юридик факультетига ўқишга киради. Революцион фаолияти учун университетдан бўшатилганидан сўнг ҳам, кейинчалик яна қамоқ ва сургунлар бошланган йилларда ҳам у марксча-ленинча назарияни ўрганишдан, умумий билим доирасини кенгайтиришдан тинмайди. 1910 йили яна қамоққа олиниб, олис Нарим ўлкасига сургун қилинганида, у ерда Яков Михайлович Свердлов билан бирга меньшевик-ликвидаторларга қарши кураш олиб борган чоқларида ҳам Валериан Владимирович марксистик назария билан шуғулланишни қўймади. У Свердлов билан биргаликда қутубхона ташкил қилишди. Партия мактаби очиб, унда марксизм-ленинизм назарияси масалалари юзасидан лекциялар ўқишди.

Революцион курашнинг катта тажрибаси ва марксистик билим Куйбишевга биринчи жаҳон уруши даврида меньшевикларга ва троцкийчиларга қарши муваффақиятли курашиш, империалистик урушда ўз ҳукуматининг мағлубиятини кўзлаган ленинча сиёсатни амалга ошириш имкониятини берди. 1914 йил декабрда Куйбишев партия Петербург комитетининг аъзоси бўлганида уни пропаганда коллегиясига ҳам аъзо этиб тайинлаган эдиларки, бу бежиз эмас эди. 1916 йили Самарада Николай Михайлович Шверник билан большевиклар ташкилотига раҳбарлик қилганида, Волга бўйи большевиклари конференциясини тайёрлашда, ундан сўнгги фаолиятида ҳам унинг чинакам пролетар революционери, марксизм-ленинизм назариётчиси сифатидаги фазилатлари намоён бўлди.

1919 йил июлида Куйбишев Астрахани ҳимоя қилиб турган 11-армия революцион-ҳарбий кенгашига аъзо этиб тайинланди. Бир ойдан сўнг Валериан Владимирович Туркистон фронти революцион-ҳарбий кенгашига аъзо этиб тайинландики, бу ўлка халқларининг ҳаёти ва тақдирида катта воқеа бўлди. У улуғ саркарда Михаил Васильевич Фрунзе билан биргаликда Ўрта Осиёни ажнабий босқинчилар ва оқ гвардиячилардан озод қилиш планини ишлаб чиқди ва муваффақият билан амалга оширди. Ўша йили Октябрда Куйбишев Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Бундан бир ярим йилгина илгари ташкил топган Туркистон Автоном Совет Социалистик республикаси Куйбишевдек йирик ташкилотчи, марксизм-ленинизм назариётчиси, янги ҳаёт таргиботчиси кўмагига муҳтож эди. 1918 йилнинг 30 апрелида Туркистон республикасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган ўлка Советларининг V съезди РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Владимир Ильич Лениндан табрик телеграмма олган эдики, унинг мазмуни ғоят диққатга сазовордир.

«Ўртоқлар, ўлкангизнинг Советлар асосидаги автономиясини Халқ Комиссарлар Совети қўллаб-қувватлашга ишонаверинг, — дейилган эди телеграммада, — биз ташаббусингизни табриклаймиз ва бутун ўлкани Советлар тармоғи билан қоплашингизга, мавжуд Советлар билан эса, тўла ҳамкорликда иш олиб боришингизга ишонамиз...» Валериан Владимирович Куйбишевнинг Туркистон комиссияси раҳбарлигига (1920 йил майдан бошлаб комиссия раиси) тайин этилгандиги ана шу қўллаб-қувватлашнинг амалдаги ифодасидан бири бўлди. Валериан Владимирович Туркистонда ҳарбий сиёсат масалалари билан бевосита шуғулланар ва партия ишига раҳбарлик қилар эди. Содиқ ленинчи Куйбишевнинг Туркистондаги фаолияти ўлка халқларининг бахт-саодати учун улуғ кураш тарихининг порлоқ саҳифаларидан бири бўлиб қолди.

Шундан кейинги даврда Куйбишев мамлакат касаба союзлари соҳасида ишлади. Партиянинг 1921 йили бўлиб ўтган X съезди уни партия Марказий Комитети аъзолигига кандидат этиб сайлади. Ўша йили Халқ хўжалик Кенгаши президиумига аъзо бўлди. Владимир Ильич Ленин тавсияси билан Электрлаштириш бошқармаси (Главэлектро)га бошлиқ этиб тайинланди. Шагура, Волхов, Кашира, Балахнин, Кизель сингари дастлабки совет электростанциялари қурилиши Куйбишев номи билан боғлиқдир. Кейинчалик у партия Марказий Комитети секретари, Сиёсий бюро аъзоси бўлди. Биринчи беш йиллик планни тузишга бошчилик қилди. Уни рўёбга чиқариш учун кураш ташкилотчиларидан бири бўлди. Партия XVII съездида иккинчи беш йиллик план тўғрисида доклад қилди. Валериан Владимирович Куйбишев ўз ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача улкан ва қайноқ фаолиятдан тинмади. У СССР Халқ Комиссарлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари эди. Куйбишевнинг тарих саҳифасидан сира ўчмас мўътабар номи порлоқ ҳаёти ва олижаноб фаолияти, бутун онгли умрини бағишлаган коммунизм ғояси ва тантанаси билан, халқларнинг абадий бахт-саодати билан уйғунлашиб яшайверади.

Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

ИККИ ҚИТЪА КИНО САНЪАТЧИЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

ДЎСТЛИК РАМЗИ

Октябрь ойида Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатларининг биринчи халқаро кинофестивали очилади. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган шиор остида ўтказиладиган бу кинофестивали жаҳон киносанъати арбоблари қизғин қувватламоқдалар.

Фестиваль ўн кун давом этади. Фестиваль кунларида икки қитъа киносанъати кенг миқёсда намойиш қилинади. Бу фестивалда машҳур кино усталар билан бир қаторда янги ривожланиб бораётган мамлакатларнинг кинематография арбоблари ҳам қатнашади. Тошкентдаги кинофестивалда қатнашиш учун Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия Совет Социалистик Республикаларининг студиялари ҳамда Сибирь ва Узоқ Шарқнинг баъзи студиялари тайёргарлик кўрмоқда. Улуғ Октябрнинг меваси бўлган шу республикаларнинг киносанъати кўп миллатли социалистик маданиятнинг ифтиҳорига айланди.

Осиё ва Африка халқларининг миллий мустақиллик учун олиб бораётган курашига бағишланган фильмлар зўр қизиқиш билан кутилмоқда.

Фильмлар кўрниги билан бир қаторда ижодий мунозаралар ўтказиш ҳам фестиваль программасига киритилди. Тошкент меҳмонлари Ўзбекистон пойтахтининг олимлари, ёзувчилари, рассомлари, жамоатчилик билан учрашадилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий ёдгорликлари билан танишадилар. Фестиваль тамом бўлганидан кейин унинг қатнашчилари Урта Осиё ва Закавказьеннинг бошқа республикаларини бориб кўришлари мумкин.

Бу халқаро кино учрашувда конкурс бўлмайди ва одатдагича расмий мукофотлар берилмайди; мамлакатимизнинг кўпгина давлат ва жамоат ташкилотлари ўзларининг эсдалик мукофотларини таъсис этмоқчилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари биринчи халқаро кинофестивалининг ташкилот комитети 4 июнда журналистлар марказий уйида матбуот конференцияси ўтказади. Матбуот конференциясида берилган ахборотга қараганда, Тошкентга жаҳон киносанъатининг таниқли арбоблари, халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — ЮНЕСКОнинг, шунингдек халқаро кинофедерациялар нинг вакиллари таклиф қилинди.

— Тошкент фестивали кутиб олишга тайёр, — деди ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Сарвар Азимов. — Тошкентликлар ҳар қачонгиден бу сафар ҳам ўз меҳмонларини ҳушнудлик билан кутиб оладилар. Осиё ва Африка мамлакатларининг халқаро фестивали жаҳоннинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолиши учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Умид қиламизки, деди С. Азимов, — бундан буён традицион фестиваль бўлиб қоладиган бу фестиваль бизларни киносанъатнинг янги талантли асарлари ва ёш киноусталарининг янги номлари билан таништиради. Бу фестиваль турли мамлакатлардаги кинематографчиларнинг ҳамкорлиги йўлида қўйилган янги қадам бўлиб, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашдан иборат буюк мақсадга хизмат қилади, деган умиддамиз.

ТАСС муҳбири.

ЖОНКУЯР МАТБААЧИ

ТЎҲАТ ЎРНИДА

<> <>

Республикамизнинг кекса матбаачиси, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Юнус Юсупович Юсупновнинг туғилганига 60 йил ва меҳнат фаолиятига 45 йил тўлди.

Юнус Юсупов 1907 йилда Ўзбеклардан чиққан биринчи матбаачи Юсуп Мусамуҳамедовнинг оиласида дунёга келди. Совет ҳокимияти йилларида бу табаррук зот матбаа ходимларининг бир эмас, бир неча авлодини тарбиялаб етиштирди. Унинг босма ишига оид қўлланмалари қайта-қайта нашр этилган. Бундан ташқари Юсуп Мусамуҳамедов Ийлдош Охунбобоев раҳбарлик қилган Марказий ижроия қўмитаси Президиумининг аъзоси сифатида катта жамоатчилик ишини ҳам олиб борди. Ҳозир Юсуп ота кексалик ғаштини суряпти.

Юбиляримиз Юнус Юсупов ҳам отаси изидан бориб, ўз ҳаётини китоб нашр этишдек ғоят олижаноб ишга бағишлади ва бу борада сал кам ярим асрдан буён ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда.

Юнус ака Тошкентдаги биринчи босмахонада меҳнат қила бошлаганида эндигина 15 ёшга тўлган эди. Бу ерда у ҳарф терувчига шогирдликдан директор даражасигача кўтарилди. У ўзининг китоб нашр этиш соҳасидаги маҳоратини тобора ошира бориб, айни вақтда Совет ҳокимиятининг саводсизликни тугатиш, хотин-қизларни озод қилиш, колхоз тузиш сингари ғоят муҳим тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этди. 1937 йилда рабфакни тамомлаган Юнус Юсуповни партия ва совет ташкилотларига раҳбарлик лавозимига кўтаришди. Юнус ака Октябрь район ижроия комитетининг раиси, Киров район ижроия комитетининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг иккинчи секретари сингари вазифаларда ишлади. 1937 йилда эса Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси қилиб сайланади.

1940 йилда Юнус Юсупов Совет Армияси сафига чақирилади ва Москвадаги В. И. Ленин номли Ҳарбий-сиёсий мактабга ўқишга юборилади. Мактабни тугатгач, Туркистон Ҳарбий округида хизмат қилади.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойларида Юнус Юсупов 53-армия штаби қошида муҳим сиёсий иш олиб боради. Сўнгра Туркистон Ҳарбий округи уни чақириб олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ихтиёрига юборади.

Уруш йилларида матбуот совет халқи қўлида танк ва самолётлар каби қудратли қурол бўлганлиги барчага аён. Шундай бир пайтда Юнус Юсуповга Ўзбекистон полиграфиясини қайта бунёд этишдек ғоят шарафли ва масъулиятли вазифа юкланади. Мамлакатнинг фашист босқинчилар вақтинча оккупация қилган райсларида совет матбаасига етказилган зарарнинг ўрнини қисман Ўзбекистон матбааси тўлдириши лозимлигини ҳисобга олсак, Юнус Юсуповга топширилган вазифа нақадар мураккаблигига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Бу вазифани ҳам Юнус Юсупов шараф билан бажарди: Ўзбекистонда газеталар, журналлар дарсликлар, илмий ва бадиий китоблар ўз вақтида чиқиб турди.

Шундай қилиб, 1941 йил охирида ўз севимли касби — нашриётчиликка қайтиб келган Юнус Юсупов бугунги кунга қадар ҳормай-толмай ишлаб келмоқда. Юнус Юсупов узоқ йиллар давомида — 1946 йилдан то 1964 йилгача Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурилаги Матбуот бошқармаси, Ўполиграфиздат ва Главиздатнинг бошлиги бўлиб ишлади. Кейинги 20 йил ичида янги йирик нашриётлар, масалан, Ўқув-педагогика нашриёти, Бадиий адабиёт нашриёти, «Ёш гвардия», «Медицина» сингари нашриётлар вужудга келди.

1964 йилдан бошлаб Юнус Юсупов Ўзбекистон «Фан» нашриётига директорлик қиляпти. Сўнгги тўрт йил ичида Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти илмий асарлар босиб чиқариши жиҳатидан Ўрта Осиёда энг йирик нашриётга айланди, унинг китоблари эса бадиий безатилиши ва полиграфик сифати жиҳатдан Иттифоқ бўйича энг юқори ўринларни эгалламоқда.

Юнус Юсупов 1931 йилдан бери КПСС аъзоси, шахсий пенсионер, Меҳнатдаги катта хизматлари учун, жумладан, Улуғ Ватан уруши йилларидаги актив фаолияти учун Юнус Юсупов етти марта давлатимизнинг юксак мукофотлари — орденлар ва медаллар билан тақдирланди, тўрт марта унга Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиқлари топширилди. Яқингинада, 60 ёшга тўлиши муносабати билан, совет матбуотини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Юнус Юсуповга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган унвон берилди.

Юнус аканинг кўпдан-кўп дўстлари, шогирдлари шу айёмда уни қутлуғ 60 ёши билан табриклаб, юбилярга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва бахт-саодат тиламоқдалар.

Ҳ. БЕКТЕМИРОВ,
А. МУҲАММАДҚУЛОВ.

Бизнинг ахборот

ТОШКЕНТНИНГ ЯНГИ ИППОДРОМИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида янги ипподром қуриш тўғрисида фармойиш қабул қилди. Тошкент ипподромининг лойиҳасини ишлаб «Узгоспроект» республика Давлат лойиҳалаш институтига топширилди. Тошкентнинг янги ипподроми 1970 йилнинг охирларигача қуриб битказилади.

М. Мавлонова.

ОЛИМЛАР САҲНАДА

Калинин номидаги Андижон Давлат медицина институти профессор-ўқитувчилари Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасини саҳналаштирдилар. Асарни фалсафа фанлари номзоди, доцент Қодиржон Офаринов ва иқтисод фанлари кандидати, доцент Ҳ. Ю. Мусаев саҳнага қўйди.

Алишер Навоий ролини медицина фанлари кандидати, доцент К. Мирзаев, Ҳусайн Бойқаро ролини медицина фанлари кандидати, доцент А. Розиқов, Гули ролини — V курс студенткаси М. Аюбжонова, Энага ролини — V курс студенткаси У. Тошхўжаева ижро этди.

З. Ҳамроқулов.

«ҒАЗАЛХОН НАМАНГАН»

Область партия комитети «Наманган қанқати» газета редакцияси қошида «Ғазалхон Наманган» адабий-ижодий уюшмаси ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Уюшма наманганлик шоир ва ёзувчиларнинг ижодий штаби бўлиб қолади. Унга филология фанлари кандидати Нуриддин Бобохўжаев раҳбар этиб тасдиқланди.

Ҳ. Саъдуллаев.

ЯНГИ МАКТАБЛАР

ҒУЗОР. Карл Маркс номли колхознинг Халқобод участкасида икки қаватли ўрта мактаб биноси қурилди. Ўқув корпусидан ташқари ошхона, спорт зали, 7 та фан кабинети бор.

Ленин номли колхознинг Ғармистон қишлоғида Чкалов номли саккиз йиллик мактаб учун ҳам икки қаватли янги корпус қуришга киришилди.

Э. Даминов.
Қашқадарё области.

ИҚБОЛ

Володя «Волга»сини автокомбинатга қараб бурган ҳам эдики, автомеханик югуриб унинг ёнига келди.

— Тинчликми, Володя, нега ишдан барвақт қайтдинг?

— Электрогенератор ишдан чиқибди. Зўрга етиб келдим. — деди Володя Асад акага маюсгина боқиб.

— Қани, устахонага ҳайда.

Асад ака слесарга машинани тезгина тузатиб йўлга чиқаришни тайинлади. Йигирма минут ўтмасданоқ машина сафарга ҳозирланди. Кеч кириб Володя Кречетников ишдан қайтгач, меҳрибон механиккка миннатдорчилик билдирди:

— План кам бўлмади, ёрдамингиз туфайли бир юз-у йигирмага етди. Раҳмат, Асад ака!..

Йўлингиз тушиб Тошкентдаги 2-енгил автомашиналар комбинатига борсангиз, корхона ишчиларининг Асад Тошхонов номига айтаётган илиқ, самимий сўзларини эшитасиз. Бунинг боиси нимада?..

А. Тошхонов 1960 йилда шу комбинатга автомеханик бўлиб келганидан бошлаб ташкилотчилик қобилиятини намоён эта бошлади. Ишчилар ўртасида тартиб-интизом ўрнатиб, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлида қайғурди. Бегараз, меҳрибон, ўз ишига пухта, жонкуяр йигит ишчилар диққатини ўзига тортди. Машиналар тез, пухта созланабошлади. Натижада у механиклик қилаётган автоколонна квартал ва йиллик планларини муттасил ошиғи билан бажариб келмоқда. Меҳнат унумдорлиги бир ярим баравар ортди.

1962 йилда Тошхонов совет қурувчи мутахассислари кучи билан бунёд этилаётган Афғонистондаги Жалолобод — Нинграҳор ирригация канали иншооти қурилишига юборилди. Меҳнатсевар Асад ака у ерда дўстлик иншооти ҳузуридаги автоколонна партия комитетининг секретари ва автомеханик лавозимларида ишлади. Ўзбек йигити афғонларнинг ҳурматини қозонди. Улар ўз юрти ҳақида ифтиҳор билан жўшиб гапирувчи Асад суҳбатининг мухлиси бўлиб қолишди.

Дўстлик иншоотининг биринчи навбати ишга туширилиши муносабати билан Совет — Афғон қурувчиларининг катта митинги бўлди. Бир группа илғор совет мутахассислари орден ва медаллар билан мукофотланди. Иқболи баланд йигит Асад Тошхонов «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан тақдирланди.

Асад Тошкентга келгач, севимли корхонасида ишини давом эттирди. Яқинда Асад Тошхонов самарали меҳнати учун Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги томонидан «социалистик мусобақа ғолиби» нишони ва диплом билан тақдирланди.

Дарё сувини баҳор, инсон қадрини меҳнат оширади. А. Тошхонов ҳам баракали меҳнатидан камол топди, обрў-эътибор орттирди.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
Э. АБДУЛЛАЕВ.

ТРАНСПОРТИМИЗ ИЛҒОРЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР

☆ ТЎРТКЎЛ. Бу ерда ҳар соатда олти тонна қаттиқ қоплама материал ишлаб чиқарадиган асфальт — битум линияси монтаж қилина бошлади.

Автоном республикада йўл қурилиши жадаллаштирилиши муносабати билан қурилиш материаллари корхоналарининг қуввати ҳам тез ошириб борилмоқда. Икки йил мобайнида Нукус, Хўжайли, Мангитда асфальт-битум заводлари қурилди. Шу йил йилига 300 минг кубометр шағал ишлаб чиқарадиган Қоратов шағал заводи ишга туширилди. Жумртовда бундан ҳам кучли корхона қуриб битказилмоқда.

☆ Учинчи июнда Қозоғистонда биринчи совхоз машина ҳисоб станцияси ишга туширилди. Олмаота областидаги «Ленинский» совхозининг барча ҳисоб операциялари 35 автомат ва ярим автоматда олиб борилади. Станция қўшни беш хўжалик буюртмаларини ҳам бажариб беради.

Қозоғистон қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасида хозир республикада 200 га яқин совхоз ва колхоз мураккаб ҳисоблаш техникасидан фойдаланилаётганлигини хабар қилишди. Бу нарса уларнинг ички хўжалик ҳисобини жорий этишни енгиллаштиради.

Куни неча Санъат саройида ветеран ишчиларни шарафлашга бағишланган йиғилиш тантанали ўтди. Суратда: Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг ветеран ишчилари ва инженер-технич ходимлари — кабель заводи ишчиси Ҳайитбой Холиқов, (чапдан), шаҳардаги 9-профессионал-техника билим юртининг инженери Ҳошим Алимов. 3-нон заводининг оператори Маъруф Валихонов, «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг ишчиси Ефросинья Желнина, «Ташсельмаш» заводининг инженер-технологи Иван Голованов, бадиий буюмлар фабрикасининг ишчиси Адолат Салиҳова ўртоқлар.

Вячеслав КОСТИРЯ.

ЎЗБЕКИСТОН КЕНГАЙМОҚДА

БУ ГЕКТАРЛАР ҚАЕРДАН КЕЛДИ!

Кунларнинг бирида узоқдан меҳмон бўлиб келган бир дўстимни Тошкент денгизига олиб бордим. Эрталаб ҳаво очиқ эди. Бироқ, йўлнинг ярмига борганда тўсатдан ҳамма ёқни қалин туман босди. Шу сабабли машина катта йўлдан аранг ўрмалаб борарди.

—Бу қанақаси бўлди, — ажабланди меҳмон — серқуёш Ўзбекистонда-я! Ажойиботнинг худди ўзгинаси-ку.

—Ажабланишнинг ҳожати йўқ. Теварак-атрофда қанчадан-қанча сув омборлари барпо этилди. Республикамизнинг акваторияси худди денгиз даврининг акваториясига ўхшаб қолди, — дедим мен.

—Мен Ўзбекистоннинг территорияси ҳам кенгаймоқда деб эшитган эдим. Нима, қўшниларингиз ерларидан беришяптими?

Меҳмоннинг мулоҳазаси тўғри эди. Ўзбекистон кейинги вақтда чиндан ҳам анча кенгайганга ўхшарди. Кейинги йилларда унинг ерига бир неча ўн минг гектар ер қўшилди. Суғориладиган ерлардаги ана шу гектарлар ажойиб гектарлардир. Лекин, республикамиз ерининг бу кенгайиши қўшилар ери ҳисобига бўлгани йўқ. Чунки қўшни республикаларнинг ўзи ҳам кенгайиб боряпти. Бу жараён Туркманистонда Чоржўй воҳасида, Копетдоғ этакларидаги текисликда, Тожикистонда Вахш дарёси, Қирғизистонда Чуй дарёси водийларида юз беряпти. Демак, республикамиздаги суғориладиган ерлар майдони қўшиларнинг ери ҳисобига эмас, балки янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кенгаймоқда.

Кенг миқёсларда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўламини мутахассислар турлича рақамлар билан изоҳламоқдалар. Ана шу ўзгаришларнинг маркази Ўзбекистон ҳисобланади. Бу марказ ўз характери жиҳатидан хилма-хил бўлиб, янги ҳосилдор гектарлар фақат қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобигагина эмас, балки эскидан экин экиб келинаётган ерларда ҳам пайдо бўлмоқда. Геология-минералогия фанлари доктори Н. М. Решеткина ва техника фанлари кандидати Х. А. Қодировларнинг ҳисоблашича, майдони ҳисобига эмас, балки ҳосилдорлиги ҳисобига кенгайиб бораётган истиқболли ерлар фақат Урта Осиёнинг ўзидагина 2 миллион гектардан кўпроқдир. Техника фанлари кандидати Х. Ёқубов эса бу ердаги «истиқболли район» майдони 2,5 миллион гектарга етади, шу жумладан Ўзбекистонда 1,5 миллион гектарни ташкил этади, дейди.

Ана шу ажойиб гектарлар қаердан келмоқда? Дадил айтиш мумкинки, бу гектарлар ернинг ўзидан, аниқроқ қилиб айтганда унинг заминидан чиқмоқда.

Гап шундаки, Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда суғориладиган ерлар майдони деҳқонларнинг ерга бўлган эҳтиёжини бир амаллаб қондира оларди. У вақтда мелиорация ишлари билан деярли ҳеч ким шуғулланмасди. Сув муаммоси ҳал қилинган сари, Урта Осиёдаги бир қатор районларда она-ер оби-ҳаётга сероб этилган сари ерости сувлари кескин равишда кўтарила бошлади, ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб борди. Бу суғориладиган ерлар учун ҳалокат билан тенг эди. Ахир, зararли туз пайдо бўлгандан кейин унумдор ернинг илгариги сифатлилигидан ном-нишон ҳам қолмайди-да. Агар ерости сувлари чуқурроқ қатламга тушириб юборилмаса, уни зовурлар ёрдамида экин майдонларидан ташқарига чиқариб юборилмаса, ердан ажралиб қолинади, у «йўқ» бўлиб кетади.

Аммо Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мелиорация тадбирларини қандай қилиб амалга ошириш мумкин эди? Кетмон билан, қўл кучи билан узоққа бориб бўлмасди. Негаки, бу иш ўз миқёси жиҳатидан жуда катта ва мураккаб бўлиб, кўп куч ҳамда маблағ сарфлашни талаб қиларди.

Ўзбекистонда деҳқонлар узоқ вақт давомида чуқурлиги 3-4 метрдан иборат горизонталь зовурлар қазиш йўли билан тупроқнинг шўрланишига қарши кураш олиб бордилар. Бироқ, бу қутилган натижани бермади. Экин майдонларини қайта-қайта шўр босаверди. Масалан, Мирзачўлда ва Марказий Фарғонадаги Езёвон массивида, Бухоро воҳасидаги бир қатор районларда ана шундай бўлди. Шу боисдан зовурларни чуқурроқ қилиб қазиш керак, деган фикрга келинди. Бу тадбир ҳам фойда бермади, Ернинг шўри қуримади.

Ҳозирги вақтда қазилаётган вертикаль зовурлар лойиҳасининг бош инженери В. А. Михельсоннинг айтишича, ернинг шўрланишига қарши кураш мақсадида дастлабки тажриба қудуқлари — вертикаль зовурлар 1925—1928 йилларда Мирзачўлдаги Олтин Ўрда тажриба-мелиорация станцияси территориясида ва Шўрўзак массивида қазилган эди. Аммо бу тажриба муваффақиятли чиқмади. Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида қўйилган вазифани ҳал қилиш масаласига янги техникага таянган ҳолда фақат 1952 йилда қайта киришилди. Ҳозирги вақтда зовур иншоотларининг бу прогрессив тури фойдали эканлиги очиқ-ойдин кўринмоқда.

Ҳамма гап янги техникага таяниб, ернинг қаърига чуқурроқ кириб бориш, чуқурлиги 70 метрдан иборат зовурлар қазиш ва ернинг остки қатламидаги сизот сувларни қудратли насослар ёрдамида чиқариб ташлаш, ерости сувларининг сатҳини тартибга келтириш ва шундай қилиб, шўрҳоқ ерларда ҳосилдор гектарлар барпо этишда эди.

Ҳозирги вақтда Мирзачўлнинг илгари ўзлаштирилган зонасида 150 та вертикаль зовур мавжуд. Бу йил яна 250 та ана шундай зовур-қудуқ қазилади. Республикамизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳозир олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишлар илгари ҳеч қачон кўрилмаган эди. Бу, КПСС Марказий Комитети май Пленуми (1966 йил) қарорларида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолат. Чуқурлиги 70 метрдан иборат ҳар бир вертикаль зовур ўрта ҳисобда 200 гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради.

ЕР ҚАНЧА КЕНГАЯДИ!

Жон кирган, навқиронлик касб этган ерларни кўриш мақсадида Еттисой томон йўл олдик. Қирғизистон йилларнинг бошида бу ердаги қўриқни Шарқий Қозоғистондан кўчиб келган кишилар ўзлаштира бошлашган. Киров қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Л. Мусабоев ўша вақтдаги аҳволни хотирасидан чиқармаган. Сахро бағридан дастлабки гектарларни тортиб олиш жуда машаққатли бўлган эди. Эндиликда Еттисой массиви мамлакатга ҳар йили минг-минглаб тонна «оқ олтин», дон ва бошқа маҳсулотлар бермоқда. Одамлар собиқ сахро ўрнида бунёд этилган коммунизм гулзанида тўқ ва маданий ҳаёт кечирмоқдалар. Бу ердаги улкан, бағри кенг хўжаликлар, улароинг коллективлари совет пахтачилигини юксалтириш учун, ўзбек деҳқонлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун, улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини мучосиб нишонлаш учун олиб бораётган курашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Еттисой массивининг истиқболи порлоқ. Биргина Киров қурилиш-монтаж бошқармаси беш йиллик мобайнида 311 та вертикаль зовурни қазиб ишга туширади. 59 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Бунинг учун 35 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланади. Бу маблағни унумдорлиги ошиб, келгусида бағрида мўл-кўл пахта ва бошқа маҳсулотлар ундириладиган ҳар гектар ерга тақсимлаганда ҳаммаси бўлиб 600 сўмданга тўғри келади. Бу, бир гектар янги ерни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш учун сарфланадиган маблағнинг миқдорига нисбатан 10 баравар камдир.

Энди, ер қанча кенгаяди деган саволга келганимизда унга берилади жавоб ҳеч кимни ажаблантирмаслиги керак. Чунки гап ерга ер қўшиб, экин майдонларини кенгайтириш ҳақида борётгани йўқ. Гап ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ошириш ҳақида, мавжуд ерлардан кўпроқ маҳсулот олиш ҳақида бораётир. Шунинг ўзи ернинг кенгайиши эмасми! Мана, қаранг, вертикаль зовурлар қазиб, ернинг мелиоратив ҳолати яхшилангач, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил миқдори ўрта хисобда 4 центнер кўпаяди. Агар биз юқорида айтганимиздек, 59 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши натижасида унинг ҳар гектаридан олинадиган пахтанинг миқдори 4 центнердан кўпайишини ҳисоблаб кўрсак, бу 236 минг центнер бўлади. Агар янги ўзлаштирилган ҳар гектар ердан 20 центнердан ҳосил олиш мумкин деб ҳисоблайдиган бўлсак, бунча пахтани етиштириш учун 13 минг гектардан ортиқ янги суғориладиган ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш эзрур бўлади. Бунинг учун эса 353 миллион сўм маблағ сарфлаш талаб этилади.

Бундан ташқари, қўшимча олинадиган пахтанинг ҳар бир центнери давлатга қанчага тушиши масаласи ҳам бор. Бир гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 600 сўм маблағ сарфлаб, ҳосилдорлик 4 центнер ошириладиган, ҳосилдорликни бир центнер ошириш учун 150 сўм капитал маблағ сарфланган бўлади. Бир гектар янги ерни ўзлаштириш учун эса 6 минг сўм сарфланади. Буни 20 центнерга тақсимланганда 300 сўмданга тўғри келади. Албатта, ҳар икки ҳолда ҳам давлат қилган харажат тез қопланади. Аммо, бунинг қайсиси давлатга фойдалироқ, деган саволга ақл-идрок билан жавоб берадиган бўлсак, албатта ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўпроқ манфаат келтиришини ва бунинг учун сарфланган маблағнинг ўрни тезроқ қопланишини айтишнинг ўзи кифоя қилади.

Ўзбекистон ирригаторлари ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш борасида бой тажриба тўпладилар ва унга таяниб тобора катта муваффақиятларга эришмоқдалар. 1960 йили Мадрида ирригация ва зовур масаласига бағишлаб IV конгресс ўтказилди. АҚШ ва Ҳиндистон, Австралия ва Туркия, Руминия ва Италия, Сурия ва Покистон, Испания ва Португалия, Франция ва Япония, Англия ва Африкадаги мамлакатлар, жаҳондаги бошқа китъа ҳамда давлатлардан келган мутахассислар сайёрамиздаги жуда кўп территорияларда мелиорация соҳасида кўнгаланг бўлиб турган зарур вазифалар ҳақида гапиришди. Бу вазифани тўғри ҳал қилишда вертикаль зовур муҳим роль ўйнаши таъкидланди. Чунки Нил, Дунай дарёлари қавзасидаги текисликларда, Покистондаги Рави ва Чинаб, Чинаб ва Желам дарёлари оралиғидаги районларда, Адан, Мерсин ва Тарсус яқинидаги Жанубий соҳил районида, Туркиядаги Менемен текислигида, АҚШ даги Модесто ирригация округида, Ҳиндистоннинг Бомбай штатидаги айрим жойларда, Италиядаги Таволиере текислигида, Сурияда-ги Габ массивида, Португалиядаги Чавес текислигида ва бошқа жойларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун вертикаль зовурлардан фойдаланиш мақбул деб ҳисобланди.

Ана шу конгресслар бўён орадан 8 йил ўтди. Бу даврда республикамизда вертикаль зовурлар қуриш кенг миқёсларда жадал суръатлар билан олиб борилди. Шу туфайли 1967 йилнинг кузида ирригация ва вертикаль зовурларга бағишланган халқаро семинар республикамизнинг пойтахти Тошкентда ўтказилди.

Майли, географлар Ўзбекистон «кенгаймоқда» деб баҳслашаверишсин. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ери кенгаймоқда. Лекин бу асосан янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига эмас, балки мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳам юз беряпти.

«ШОНЛИ МЕҲНАТ КИТОБИ»

Андижон область партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область совети меҳнат майдонида жасорат кўрсатаётган кишиларни рағбатлантириш, руҳлантириш мақсадида бундан икки йил илгари «Шонли меҳнат китоби» таъсис этган эди.

«Шонли меҳнат китоби»га область экономикасини юксалтириш йўлида узоқ йиллардан буён ҳормай-толмай самарали ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришаётган, ахлоқ кодекси нормаларига оғишмай амал қилаётган донгдор кишиларнинг номлари ёзилади. Улар жойлардаги партия, совет ташкилотлари томонидан «шонли меҳнат китоби»га тавсия этилгач, область партия комитети ва область ижроия комитети номзодларни тасдиқлайди.

Бу китобга Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг қарорига мувофиқ ишлаб чиқаришда танилган 27 кишининг номи ёзилди. Улар орасида Андижон шаҳридаги бадиий буюмлар фабрикасининг ишчиси Ҳалимахон Усмонова, 2508-автоколонна шофёри, коммунистик меҳнат зарбдори Кобилжон Каримов, Андижон районидаги «Москва» колхозининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи, Жалолиддин Абдужалилов, Балиқчи районидаги «Октябрь» колхозининг раиси Ғаниибой Жўраев, Бўз районидаги «Мингбулоқ» совхозининг сут соғувчиси Мавлуда Қўлдошева, Хўжаобод районидаги «Правда» колхозининг бригада бошлиғи Сотиболди Солиев ва бошқа ўртоқлар бор.

А. ҚУРОНБОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РАЙКОМ МАЪҚУЛЛАДИ

Янгиариқ район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни такомиллаштира бориб, уларнинг ибратли ишлари ва тажрибаларини умумлаштириш ҳамда кенг ёйишга яқиндан эътибор бермоқда.

Район партия комитети бюроси Ал-Хоразмий номли совхоз партия комитетининг меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишини маъқуллади. Қўрқда барпо этилган ва ўндан ортиқ миллат вакилдари меҳнат қилаётган бу совхозда идеология иши КПСС XXIII съезди қарорлари асосида олиб борилмоқда. Дўстлик кечалари, учрашувлар, лекция ва суҳбатлар ишчиларни интернационализм руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнаётир. Райком қарорида бошланғич партия ташкилотларига совхоз партия комитети тажрибаси асосида интернационал тарбияни кучайтириш тавсия этилди.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚУЛОҚ

ҲАЖВИЯ

Беш оғайни «пиво ичсанг саҳар ич, саҳар ичмасанг, заҳар ич-дейишиб, эрталабланок питирма беш шишани бўшатишди. Кейин оз-моздан ярок, кейин коньяк... Ундан кейин эса, Истирохат боғининг директори Гулмат Қулматич қандай қилиб уйига келиб қолганини билмайди.

...Ҳамма нарса, Гулмат Қулматичнинг кўзи уйқуга илиниши биланоқ бошланди. Кимдир уни тарсаки билан туширгандек бўлди. Сапчиб бошини кўтарса, бугунги қадаҳдошларидан бири — Зиёдулла икки қўлини белига тираб турибди. Эгнида мелиса формаси.

— Одам деган ётаверадими? Тезроқ кийин, иш чиқиб қолди!

— Ие, бу формани қаердан олдинг? — ажабланиб сўради Гулмат Қулматич. Зиёдулла аввал хохолаб кулди-да, кейин бароқ ғоҳларини чимирди.

— Менинг ишимга аралашгунча, тезроқ бўйруқни бажар. Ташқарида машина кутяпти.

— Бўйруғинг нимаси, тушунтирсангчи?

— Кейин биласан. Қани, кийин!

Гулмат Қулматичнинг капалаги учди. Боиси шуки, яқинларинг у кўмир омборига мудир эди. Нимаям бўлиб ишида чатоғлик чиқди-ю, мелисага тушди. Бахтига, уч-тўрт ошна-оғайнилари югуриб-югуриб қилишиб, кутқазиб олдилар. Кейин халқ олдида «ўзини оқласин» учун, Истирохат боғига директор қилиб тайинлашди. Ўшандан бери бечора қатиқниям пуфлаб ичадиган бўлиб қолган.

Машина уларни Истирохат боғи томон олиб борарди. Боши лўқиллаб оғриётган Гулмат Қулматич афтини буриштирди:

— Энди тушундим. Яна ичайлик, демоқчимисан?

Зиёдулла жилмайиб, унинг елкасига қоқди.

— Қўрқдинг шекилли, а? Хотиржам бўл. Ҳамма гап шундаки, эртадан кейин, яъни Истирохат боғининг очилиш маросимида... комиссия иштирок қиларкан. Бу йилги мавсумга қандай тайёргарлик кўргансан, боғдаги манзара мақтовга арзийдими-йўқми, шу ҳақда менга маълумот беришинг керак.

Гулмат Қулматич ёришиб кетди.

— Эе, бундай десангчи? Кам бўлма, биродар. Бу хизматинг учун алоҳида отамлашамиз.

Боққа етиб келишди. Гулмат Қулматич ҳар эҳтимолга қарши бошини муздек сувга чайиб олди-да, кейин Зиёдуллани сайр қилдира бошлади:

— Аввало шуни маълум қилиш керакки, зиммамга бундоқ маъсулиятли, эскичасига айтганда эса, бунчалар самобли вазифани ишониб топширганларинг учун жуда хурсандман. Энди бутун энергетикамни... то ест, бутун кучимни, шу шарафли йўлда қурбон қилишдан тоймайман!

Ҳамма гапни ёққа беланган қоғозга ёзиб бораётган Зиёдулла уни тўхтатди:

— Конкретлироқ гапир, қоғоз етмай қолади.

—Конкиратга келганда... Умуман, гап жуда кўп. Масалан, қисқа муддат ичида анчагина дарахтларни таг-томири билан қўпориб ташлаб, янги хиёбонлар барпо қилдирдим. Ўтган йили фойдаланилмай қолиб кетган лекторий уйини қўшимча ошхонага айлантириб, бинодан дурустроқ фойдаланиш чорасини топдим. Анави биллиардхона эса, аввал чойхона бўлган. Бу боғимиз маданиятига қўшган яна бир ҳиссамдир.

Директор янгиликларни батафсилроқ баён этиш ниятида, атрофдаги ҳар бир нарсани назардан четда қолдирмасликка тиришади.

— Ана энди, диққатингни бошқа нарсага жалб этгин, — Гулмат Қулматич қиёбонинг икки четига қатор ўрнатилган қайкалларга ишора қилди; — Мен тўхталмоқчи бўлган нарса, манаби мўъжизаларда! Кимга ёқмайди дейсан, қайкал жонивор. Бу нарсадан қанча кўп бўса, дам олувчилар ҳам... шунча кўпроқ эстетик озиқа оладилар. Маблағимизнинг асосий қисмини қайкаллар сонини оширишга сарфлаганлигим боиси ҳам ана шунда. Мана масалан, анави қайкални дейлик: бир йиғит «смирно» ҳолатида қараб турибди. Уни диққат билан кузат-санг, гавдасини қара, қўллари оламнинг сонидай келади-я! деб, ҳавас қиласан. Дарров уйга қайтиб, физкультура билан шуғулланасан, шундай эмасми?

Зиёдулла «ха» ёки «йўқ» дейишга улгурмасдан, кутилмаган воқеа рўй берди: кимдир орқа томондан келиб, ёқаларидан маҳкам бўғди-да, таъриф-ланаётган қайкалдан атиги беш метр наридаги бошқа бир қайкал ёнига судраб борди. Гулмат Қулматич бўйнини қисганича баъзор ўгирилиб қараса, гулчи бобон Оқил ота экан.

— Нима қилясиз, ўзи, ташланг ҳазилингизни! — типирчилади директор. Зиёдулла-ку, ҳеч нимага тушунолмасдан «миқ» этмай турарди.

— Ҳазил қилаётганим йўқ, манаби қайкални таъриф-лагин, демоқчиман! — Баҳайбат келбатли чол бўғин овоз билан дўриллади-да, иккаласини ҳам бўшатди. Гулмат Қулматич унинг авзойи бузулгидан ҳалиққа тушди. «Саҳнаси мелиса кет» — кўнглидан ўтказди у шеригига кўз қирини ташлаб.

— Ҳа, ҳа, бу эски қайкалниям мақтаса арзийди... Номаълум бир аёл йўнақлаётган гўдагини икки қўлида баланд кўтариб, илҳайди турибди. Фақат бир нарсани ҳисоба олмаганда, жуда яхши қайкал...

— Нимани ҳисоба олмаганда? — чол яна дағалли қила бошлади.

— Яхши деяпманку, ахир... Фақат айтмоқчиманки, бу қайкалда қалтис ҳазил ифодаланган. Яъни, дам олувчилар ҳам бу аёлга тақлид қиламан деб қолишса, гўдаклари қўлидан тушиб кетиши мумкин...

— Сафсатангни йиғиштир! — Оқил отанинг кўзларида ўт чақнади. Зиёдулла қарасаки, аҳвол чатоқ. Чолнинг ҳоврини босмоқчи бўлди.

— Келинг ота, яхшилик билан ҳал қилайлик. Нима демоқчисиз ўзи?

— Гапга қўшилма! — яна бақирди Оқил ота. — Аёлнинг қўлидаги гўдакни кўраяпсанми, битта қулоги йўқ! Анави тўғриксиз қайкалларни ўрнатишаётиб дарахт кесишганда, битта шабба уни узиб кетганди. Ўттиз марта илтижо қилдим, гўдакка қулоқ қўйинглар, деб. Гапим ўтмасдан мана, пичоқ бориб суякка етди. Мен хозир бу бетамизнинг таъзирини бераман!

Оқил ота қучли қўллари билан Гулмат Қулматичнинг бўйнидан бўға бошлади.

— Войдо-о-од!!!

Директор диванлан пол устига ағдарилиб тушди-ю, хуши жойига келди. Қарасаки, ўз уйида ётибди. Оғзи бемаза, боши гувуллаган. Аъзои бадани жиққа ҳўл.

— Вой, сизга нима бўлди адаси? — хотини эрининг пешанасини силади. — Юз марта айтаман, ки, битта тумор қилдириб олинг деб! Доим уйқунгизда алаҳсирайсиз.

Гулмат Қулматич енгил нафас олиб жойига ёнбошлади-да, аста шивирлади:

— Емон туш кўрдим. ишқилиб, ўнгига айланмасин...

— Емон туш дейсизми?

— Ҳа, — жавоб қайтарди эр ва пешанасидаги терларни силдириб ташлаб, «саргузашти»ни ҳикоя қилиб берди.

— Эркак кишининг туши ўнгидан келади, дейишади. Ҳар қалай, эҳтиёт бўлинг-таъкидлади аёл.

Битта жонсиз қулоқ учун шунча «азоб» чекиш Гулмат Қулматич эртасигаёқ шошилинч чора кўрди: Гулчи бобон Оқил отага «ишга ўн беш минут кечикишлиги учун» қайфсан эълон қилди. Қайкал эса жойидан йўқотилиб, ўрнига гултожихўроз экиб, ташланди.

Солижон ҚАҲҲОРОВ.

ПОЧТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

МОСКВА ОПЕРЕТТАСИ

Шу кунларда пойтахтимиз санъат муҳлислари яна бир шодиёнанинг шоҳиди бўлмоқдалар. Тошкентга меҳмон бўлиб келган Москва оперетта театри гастроль-томошалари кўрсатмоқда. Москвалик санъаткорлар ўз сафар томошаларини «Оқ тун» спектакли билан бошладилар. Е. Е. Шатуновский пьесаси асосида саҳналаштирилган бу спектакль музикасини СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Т. Н. Хренников ёзган. Асар Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига театр тортиқ қилган уч қисмдан иборат музикали-спектакль бўлиб, пойтахтимиз томошабинларига биринчи марта намойиш қилинди. Бу музикалий хроникада 1916—1917 йиллардаги воқеалар. Романовлар сулоласининг сўнгги кунлари ҳамда янги Совет ҳокимиятининг барпо этилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

— Театримиз гўзал Тошкент шаҳрига тўртинчи бор келиши,— дейди мухбиримиз билан суҳбатда театрнинг бадиий раҳбари, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. П. Аксимов.— Бу гал биз катта программа — 13 спектакль билан ташриф буюрдик. Ўзбек томошабинларн «Гўзаллик конкурси», «Цирк чироқлари ёқилганда», «Мовий кўзли қиз» каби совет авторларининг спектакларини ҳамда «Кўршапалак», «Хушчақчақ жувон», «Сильва», «Марица» сингари классик оперетталарни томоша қилиш шарафига муяссар бўладилар. Гастроль-томошаларимиз бир ой давом этади.

Театр ташкил топганига бу йил 40 йил тўлди. Москвалик оперетта усталарининг бу гастрол-сафарлари ўз навбатида ана шу бўлажак катта байрам олдидан ижодий ҳисобот ҳамдир.

Москва оперетта театри ўз жонажон шаҳрида ҳамда Тошкентда, шунингдек Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида кўп минглаб муҳлисларига эга. Театр санъатининг энг севимли, оммавий, музикали жанри бўлган оперетта санъатини ҳамма ерда ҳам илиқ ва севиб кутиб оладилар.

Биз пойтахтимиз меҳмонлари — Москва опереттаси санъаткорларининг ҳар бир намойиш этилаётган асарларини мароқ билан томоша қилар эканмиз, уларга қойил қоламиз, ижодий ишларида яна ҳам юксак парвоз тиламиз.

А. ЮСУПОВ.

Суратларда «Оқ тун» спектаклидан кўринишлар.

И. Глауберзон фотолари.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Шарқ мамлакатларда

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ПРАГА. 3 июнь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Чехословакия Коммунистик партиясининг фавқулодда XIV съездини чақириш тўғрисида қарор қабул қилганлигини хабар қилди.

Чехословакия Компартияси фавқулодда XIV съездининг чақирилиши, дейилади қарорда, партиядаги аҳволга баҳо беришдан сўнг қабул қилинди. Бу аҳвол партиянинг яқин даврдаги сиёсий ҳаракатини белгилаб олишни ҳамда янги Марказий Комитет сайланишини талаб этади. Янги Марказий Комитет партия ҳаракат биролигини таъминлаш ишида тўла ишонч ва обрўга сазовор бўлмоғи керак.

Марказий Комитет пленуми Чехословакия Компартияси фавқулодда XIV съездининг қуйидаги кун тартибини таклиф қилди:

1. Чехословакия Компартиясининг XIII съездидан бери ўтган даврда партиянинг фаолияти тўғрисида ва жамиятнинг тараққиёти ҳақида ҳисобот доклади ва партиянинг яқин даврдаги асосий вазифалари. Докладчи А. Дубчек.

2. Марказий Контроль ревизия комиссиясининг ҳисоботи. Докладчи М. Якеш.

3. ЧССР давлат-ҳуқуқий тузилишининг сиёсий директивалари лойиҳаси. Докладчи О. Черник.

4. Чехословакия Компартияси янги уставининг лойиҳаси ҳамда федератив давлат тузуми шароитларида партиянинг тузилиши ва партия ишларининг принциплари Докладчи А. Индра.

5. Чехословакия Компартияси Марказий Комитети билан Марказий Контроль ревизия комиссияларини сайлаш.

Съезд делегатлари Чехословакия Компартиясининг область ва шаҳар конференцияларида сайланади.

Пленумда Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг съездни тайёрлаш сиёсий комиссияси тузилди. Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Дубчек комиссия раиси қилиб тасдиқланди.

(ТАСС).

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ЖАНГЛАР

ХАНОЙ, 3 июнь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Озодлик халқ қуролли кучларининг жанг чилари 20 майдан 21 майга ўтар кечаси Тхиатхиен вилоятидаги Хюэ ёнида Америка қўшинларининг позициясига ҳужум қилдилар. Хюэдан 12 километр шарқи жанубдаги Донгтоада Американинг бронетанк полки таянч пункти, Американинг 101-ҳаво десант дивизиясининг штаби, Америка—Сайгон қўшинларининг Фубан ёнидаги ҳарбий базаси ва бошқа ҳарбий объектлар артиллериядан ўққа тутилди.

ВИА агентлигининг Озодлик агентлигига суяниб хабар беришича, мана шу жанг вақтида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Америка ҳарбий хизматчиларидан 1650 га яқин кишини сафдан чиқардилар, душманнинг 120 танк ва бронетранспортёрини йўқ қилдилар.

Шу районда етти кун давом этган жанглар пайтида 17 майдан 23 майгача Жанубий Вьетнам армиясининг жангчилари Америка солдатларидан 1930 га яқин кишини йўқ қилдилар, яradор қилдилар ёки асир олдилар, душманнинг 170 танки ва бронетранспортёрини мажақлаб ташладилар, 20 вертолётни уриб туширдилар.

Озодлик кучлари билан Америка—Сайгон қўшинлари қисмлари ўртасида шиддатли жанглар Кхэсань яқинида 30 ва 31 майда давом этди. Ватанпарварлар 31 май эрталаб Лангсатнинг ғарбида Америка денгиз пиёда аскарлари позициясини миномётлар ва артиллериядан ўққа тутдилар. Шундан кейин атака қилдилар ва қирқ минут давом этган жанг вақтида Америка денгиз пиёда аскарларининг бир ротасини тор-мор келтирдилар, бошқа бир ротага оғир талафот етказдилар. Америка қўмондонлиги танклар мададидаги бир ротани денгиз пиёда аскарларига ёрдамга юборди. Аммо ватанпарварлар бу операцияни барбод этдилар. Агрессорлар оғир талафот бериб чекиндилар.

Жангчилар Кхэсань ёнида бўлиб ўтган икки кунлик жангда Америка солдатларидан 365 кишини сафдан чиқардилар, Американинг тўрта самолётини уриб туширдилар ва бир қанча танкларни йўқ қилдилар.

НЕГРЛАРНИНГ ҒАЛАЁНЛАРИ

НЬЮ - ЙОРК. (ТАСС). Американинг Нагчез шаҳрида (Миссисипи штати) негрларнинг ғалаёнлари бошланди. Автомобилларга бензин қуйиладиган станцияда негр билан кўпол муомала қилинганлиги бу ғалаёнларга сабаб бўлди. Шаҳарда яшовчи негр аҳолиси ирқий камситишга қарши норозилик билдириб, кўчаларга чиқди. Шаҳар полицияси ва унга ёрдам учун юборилган қўшинлар кўздан ёш оқизадиган газни ишга солдилар. Юздан ортиқ киши қамоққа олинди.

Шаҳарда комендантлик соати жорий қилинди.

КАРОЧИ. «Машприборинторг» ташқи савдо ташкилоти томонидан бу ерда очилган совет приборлари ва аппаратларининг ихтисослаштирилган виставнаси Покистон фирмалари ва давлат ташкилотларини совет аппаратураси ва аниқ приборлари билан таништиришга мўлжаллангандир. Виставкани ҳар куни минглаб покистонликлар томоша қилишмоқда. Суратда: виставкани нг умумий кўриниши.

В. Вавилов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



БОЛГАРИЯДА Совет Иттифоқи ёрдами билан 90 дан кўпроқ йирик саноат объекти қурилди. 60 дан кўпроғи ҳозир қурилмоқда ва бешинчи беш йиллик мобайнида (1970 йилгача) қуриб битказилади. Суратда: Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қад кўтарган «Медет» мис рудасини қайта ишлаш комбинати.

БТА—ТАСС фотоси.

АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИ. Бу сурат Детройт яқинидаги Дирборн шаҳарчасининг полициячилар тирида олинган. «Ақли расо» уй беғалари негр қиёфаси тасвирланган нишонга теккан ўқларнинг ҳисобини чиқаришмоқда. «Қора танлининг» жончиқар жойларига кўпроқ ўқ тегиза олган уй беғаси ғолиб ҳисобланади. Ғарбий Германияда чиқадиган «Квик» (сурат ҳам шу журналдан олинган) журнали оқ танли американлик ирқчи аёллар АҚШда негрларнинг гражданлик ҳуқуқлари учун кураш чиларидан ўч олиш ишига ўз ҳиссасини қўшишга қарор қилганини баён этади. Ўқ отишга ўрганиш учун улар ҳатто Ғарбий Германиядан... махсус инструктор таклиф қилишган эмиш.

Сурат «Квик» журналидан олинди. ТАСС фотохроникаси.

ЖЎШҚИН ВОҚЕАЛАРДАН СЎНГ

ПАРИЖ. ТАСС мухбири **А. КРАСИКОВ хабар беради:** Франция миллат мажлисига расмий сайлов кампанияси бошланишига ҳали бир ҳафта борлигига қарамай, амалда ҳамма сиёсий партиялар сайлов кампаниясини бошлаб юбордилар. Ҳамма ерда ўтказилаётган митинглар ва йиғилишларда сўзга чиқаётган ниҳоятда турли йўналишларнинг етакчи арбоблари яқинда бўлиб ўтган «қизил май»нинг жўшқин воқеаларидан хулосалар чиқармоқдалар.

«Бешинчи республикани ҳимоя қилиш демократлар союзи» билан «мустақил республикачилар»дан иборат ҳукумат партиялари жойларда «республикани ҳимоя қилиш комитетлари», деб аталмиш комитетлар барпо этиш билан шуғуллана бошладилар. Уларнинг ўйлашича, бу комитетлар меҳнаткашларнинг қудратли намойиш ва забастовкаларидан чўчиган ҳамма кишиларни ҳозирги ҳукумат томонига жалб қилмоғи лозим. «Юманите» газетасининг ёзишича, мазкур комитетлар авф этиш тўғрисида чиқарилган қарорга биноан яқинда қамоқхоналардан озод қилинган оасчилар (маъмурлар тарқатиб юборган яширан террорчилар ташкилоти — ОАС аъзолари) ва бошқа жиноятчи унсурларни қўллаб-қувватлаганлар ҳамда бундай кишилар даҳол актив ҳаракатларга киришиб кетганлар.

2 июнь кечаси бир гуруҳ босқинчилар автомашиналарда Париж яқинидаги Медон астрономик обсерваторияси биносига келиб, иш ташлаган кишиларга ёнилғи аралашмаси тўлдирилган бутилкалар ирғитганлар. Круасси деган бошқа бир шаҳарда «Нейман» заводининг иш ташлаган ишчиларига қарата ўт очилган ва тасодиф туфайлигина бу безорилар ҳужуми натижасида киши қурбон бўлмаган. Тулуза шаҳридаги студентлар уюшмасининг биноси ҳам ўққа тутилган.

Невер шаҳрида мазкур шаҳарнинг мэри бошчилигидаги ҳозирги тартиб тарафдорларидан иборат оломон «Журналь дю сантр» газетасининг уч журналистига ҳужум қилган. Азият чекканлардан икки киши шифохонага жўнатилган. Гренобл ва Сал ноҳиясидаги Фонтенда безорилар санитария асбоб-ускуналари омборига ўт қўйиб юборганлар. Сен-Женевьев-де-Буада ҳукумат қўллаб-қувватлаётган унсурлар шаҳар маҳкамасини эгаллашга уриниб кўрганлар, аммо тегишли қарши зарбага учраб чекинганлар ва яна умуммиллий конфедерацияси маҳаллий комитетига муваффақиятсиз ҳужум қилганлар. Лионда «Оккюльта» компанияси экспорт бўлимининг директори, шу компания бош директорининг ўғли Анри Перрье «Оккюльта» фирмасига карашли завод биноси олдида иш ташлаганлар вахтасида турган Мишель Сарпола деган ёш ишчи аёлни оғир яradор қилди.

Шу фактларни келтирган «Юманите» газетаси бу ишлар ўз тарафдорларининг «гражданлар ҳаракати»ни ташкил қилишга шахсан киришган ҳукумат фаолиятининг бевосита оқибатидир, деб таъкидлайди.

«Деголлчилар ташлаган шиорлардан бири зўравонлик қилиш тўхтатилсин, деган сўзлардан иборат шиордир, деб ёзади Франция Коммунистик партиясининг марказий органи. — Бундан мақсад кишиларни вахимага тушириб аслида қайси томондан зўравонлик қилинаётганлигини унутишга мажбур этиш эканлиги очиқ ойдиндир. Ишчилар синфи ўзини ниҳоятда адил тутди. Ишчилар ҳоҳ ишгол қилган заводларда, ҳоҳ кўчаларда-ҳамма ерда тартиб сақладилар. Шундай қилиб ишчилар синфи ниҳоят мамлакат ишлари раҳбарлигида қатнашишга етилганлигини исбот қилди».

Газета бутун Франция Коммунистик партияси билан демократик ва социалистик сўл кучлар федерациясининг қўшма баёнотини эълон қилган. Бу баёнотда социал экономика соҳасида аҳволни нормаллаштириш учун зарур бўлган шошилинч чоралар плани баён қилинади. Бу план кенг забастовка курашига қўшилган миллион-миллион меҳнаткашлар ўз олдиларига қўйган асосий талабларинг қондирилишини кўзда тутади.

Ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқлари юзасидан, шунингдек муассасалар ва корхоналар бўйича иш ташлаганлар, корхона эгалари ва маъмурларнинг вакиллари ўртасида олиб борилаётган музокаралардан меҳнаткашлар олга сураётган талабларни тез қондирилишига олиб келмаётган ҳоллар ҳам бўлиб турибди. Ҳукумат гарантиялаган иш ҳақи минимумини 35 процент оширишга розилик берди. Давлат хизматчилари, электр саноати ва газ заводларининг ходимлари, шиша, целлюлоза — қоғоз, тикувчилик ва пойафзал саноатининг ишчилари жиддий ён берилишига эришдилар. Аммо айни маҳалда ҳукумат ва корхона эгалари металлургия ва қурилиш каби тармоқларда иш ташлаганлар қўйган талабларни қабул қилишга розилик бермай ҳамон муросасизлик позициясида турибдилар, Франция пойтахти шаҳар транспорти ходимларининг асосий талабларини қондириш тўғрисидаги музокаралар ҳам чўзилиб кетди.

Шундай шароитларда, деб ёзади «Юманите» газетасида Франция Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси Этьен Фажон, — коммунистлар олдида турган энг биринчи вазифа миллион-миллион меҳнаткашларнинг улуғвор курашини қўллаб-қувватлашдан иборатдир». «Коммунистлар,— деб ёзади Этьен Фажон,—мазкур кураш ғалаба билан тамомланишини таъминлаш учун куч-ғайратларини аямайдилар».

ЯНА ИҒВОГАРЛИК

ПНОМПЕНЬ. 4 июнь. (ТАСС). Пномпень матбуоти ва радиоси Америка — Сайгон қўшинларининг Камбоджага қарши янгидан-янги ағвогарликлари ҳақида ҳар куни хабар бериб турибди.

Бундан бир неча кун аввал Жанубий Вьетнам билан чегарадош Кандал вилоятининг Прекчрей чегара постига ҳужум қилинган. 20 майда Камбоджанинг ўша вилоятидаги территориал сувлари ичида икки американлик ва саккиз Филиппин солдатлари бўлган шатакчи кема ушланган.

30 майдан 31 майга ўтар кечаси, деб хабар беради Кхмер Пресс агентлиги, Америка—Сайгон қуролли кучларининг «Дакота» типидаги самолёти Камбоджа ҳаво чегарасининг олти километргача ичкарисига бостириб кирган. Бу самолёт Кандал вилоятининг Каамсаннар қишлоғи яқинидаги ҳарбий постни пулеметлардан ўққа тутган ва Камбоджалик икки ҳарбий хизматчини оғир яradор қилган, пост биносига, шунингдек Камбоджа ҳарбий денгиз кучларининг кемасига шиқаст етказган.

Кхмер Пресс агентлигининг хабарига кўра, Кандал вилоятининг ҳарбий маъмурлари «ҳужумни қайтариш учун зарур чоралар» кўрганлар. Бегона самолётга қарата зенит тўпидан ўқ отилган ва у ғарбий йўналишда ғойиб бўлган.

АМЕРИКА ФОЖИАСИ

РОБЕРТ КЕННЕДИГА СУИҚАСД

НЬЮ-ЙОРК, 5 июнь. (ТАСС). Бугун Лос-Анжелесдаги «Амбассадор» меҳмонхонасида сенатор Роберт Кеннеди Калифорния штатидаги дастлабки сайловларда ғалаба қозонганлиги муносабати билан матбуот конференцияси ўтказиб турган пайтда унга суиқасд қилинди.

Информация агентликлари ва телевидение хабарларига қараганда, уч марта ўқ узилганидан кейин Р. Кеннеди бошидан, кўкраги ва қовурғасидан яradор бўлган. Кеннеди даҳол Лос-Анжелес марказий касалхонасига келтирилган. Суиқасдчи бир неча марта ўқ узган. Кеннединг қайнағаси, телевидение мухбири ва номаълум бир аёл ҳам яradор бўлган. Ўқ узган шахс ушланган.

Болаларингизга ўқиб беринг

ИНОҚЛИК

— Қаранг, бу қизиқ китоб!
Невара қилар хитоб.
Китобни очиб Латиф
Ўқийди шарилатиб.
Невараси сайрайди,
Бувижони яйрайди...

ҚУЧОҒИДА ҚУРЧОҒИ

— Ургатай,—деб, — боламга,
Энгаштирса саломга,
Киприклари пирпираб,
Бамисоли жон кириб,
Сўзлар митти қўғирчоқ
Билганлари шу қар чоқ:
— Ая!
— Ая!
— Ая, — дейди,
Аясида фикр-еди.
Ачомлар шу он Гулсин:
— Аягинанг ўргилсин!

НАВБАТ КЕЛДИ

Навбат келди, ой, бизга,
Ҳозирлаб қўй жой бизга.
Чиндан яқин орада
Меҳмон бўлиб боради
Жасур Юрий тоғамдан,
Герман Титов оғамдан
Таълим олган отряд,
Ҳаммасида бир ният.
Мен ҳам шулар сафида
Ҳар ишни қилиб удда,
Сенга байроқ илган чоғ,
Ғайратимни билган чоғ
Қўлларимдан ушларсан,
Қадамимни хушларсан.
Энди ёшим кичикмас,
Бу орзум ҳеч кечикмас.
Навбат келди, ой, бизга
Ҳозирлаб қўй жой, бизга.

Йўлдош СУЛАЙМОНОВ.
Фарғона.

ИРҚЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛСИН

НЬЮ ЙОРК. ТАСС мухбири **О. АНИЧКИН хабар беради:** Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий ва социал кенгашининг 44-сессияси тамом бўлди. Бу сессияда ирқий камситиш ва апартеид сиёсатини тугатиш ҳамда ҳарбий жиноятчиларни жазолаш тўғрисидаги таянч лар ва резолюция лойиҳалари қараб чиқилди.

Ғарбдаги баъзи давлатларнинг ва, аввало, Қўшма Штатлар ва Англиянинг найранг ишлатишига ҳамда тўсқинлик қилиш тактикасига қарамай, иқтисодий ва социал кенгаш овозларнинг тоғ кўпчилиги билан резолюция қабул қилди. Бу резолюция тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилаётган ҳамда ирқий душманлик ва терроргa асосланган нацизм, ирқчилик, апартеид ва шу хилдаги практика инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинлик ларини кўпол равишда бузади, деб уларни қоралайди.

Резолюция барча давлатларни «нацистлик рухидаги пропагандани, апартеид ва ирқий душманлик сиёсатини ўтказувчи гуруҳлар ва ташкилотларни қонунга зид деб эълон қилиш учун қонуний тартибдаги тадбирларни дарҳол амалга ошириш»га чақиради.

Социал ва иқтисодий кенгаш Жанубий Африка Республикаси ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставига хилоф бўлган апартеид сиёсатига барҳам беришни талаб қилган резолюцияни ҳам маъқуллади. Бу резолюцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларига хилоф суратда Жанубий Африка Республикаси билан дипломатик, савдо-сотиқ, ҳарбий ва маданий алоқани давом эттирётган давлатларнинг ҳукуматлари қораланади.

Иқтисодий ва социал кенгаш бошқа бир резолюцияда Жанубий Африка Республикасининг апартеид сиёсатига қарши кураш олиб бораётган Ғарби-Жанубий Африка аҳолисини таъқиб этишга қарши чиқди.

Иқтисодий ва социал кенгаш резолюцияларидан бирида Жанубий Родезияда, Ғарби-Жанубий ва Жанубий Африкада шу вақтгача турли шаклларда амалга оширилаётган қул савдоси қораланади.

Иқтисодий ва социал кенгаш хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги резолюцияни маъқуллади ва барча давлатларни хотин-қизларнинг каменитилишини тугатиш тўғрисидаги декларацияни тўлиқ бажаришга даъват этди.

Иқтисодий ва социал кенгашнинг қарорлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси тасдиқига топширилади.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областларида емгир ёғиб мамақалдирок бўлади, секундига 17 метр тезликда шамол есади, ҳарорат 25 даражага тушади. Самарқанд, Қашқадарё областларида ҳам емгир ёғади, момақалдирок бўлиши кутилади, 30 даражага яқин иссиқ бўлади. Республиканинг қолган жойларида ёғингарчилик бўлмайди, 34 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, 29-31 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Рубобда чалинадиган пьесалар. 8.25 — Ўзбек классик куйлари. 10.30—Концерт. 11.15—«Планлаштиришнинг янги системаси афзалликлари». 11.25 — Қўшиқлар. 12.15 — Қозоғистон радиосининг эшиттириши (рус.). 13.30 — Оммабоп Вена қўшиқлари сюитаси. 16.10 — «Даниил Шафран» (музикали эшиттириш). 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — Сиёсий билимлар радио-университети. «КПСС фаолиятининг тарихий якунлари» (суҳбат). 18.10 — Чолғу куйлари. 19.20 — Татар куйлари. 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 20.30 — Қўшиқлар. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.20 — Нодир ёзувлар. 22.40 — М. Қориев. «Севги қўшиғи» (повестдан парча). 23.15 — «Ойдин кечалар» (музикали эшиттириш).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар.** 18.15 — **Каштанка** (болалар учун мультфильм). 18.45 — **Коммунист минбари.** 18.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 19.00 — **Мингларча дераза** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.10 — **Телеянгиликлар.** 20.25 — **Фан—ишлаб чиқаришга** (репортаж). 20.45 — **Сибирь мафтунлари** (ҳужжатли фильм). 21.35 — **Қўшиқ ёзувчи шоирлар. Миртемир.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Ўқув эшиттиришлари программаси. **Немис тили** (студентлар учун). 18.30 — **Иншони қандай ёзиш керак?.** 19.00 — **Физика** (олий ўқув юртларига кирувчилар учун).

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Узоқ орол сири** (болалар учун кинофильм). 20.30 — **Комсомолдан ўрнак ол** (мактаб ўқувчилари учун). 20.50 — **Темир аср** (телефильм).

Рус тилида: 21.10—**Исти ёнидаги шаҳар** (телефильм). 21.30 — **Амирликнинг емирилиши** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Олга, Франция! — САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Плюшчихдаги «Уч терак» — «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жиноятчи қолдирган из — НАВОИЙ номли. «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Итальянча ўғирлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда бошланади)

Фиръавн — «РАКЕТА».

Соҳибжамол — НАВОИЙ номли.

Плюшчихдаги «Уч терак» — «ФЕСТИВАЛЬ».

Жиноятчи қолдирган из — «ХИВА».

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИГА

бошқарма аппаратида ва маиший корхоналарда ишлаш учун

план бўлими бошлиғи, катта иқтисодчилар, бош бухгалтерлар, бухгалтер-ревизор

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кисловодский кўчаси, 80-уй.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» 5-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 30-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

3,4 разрядли гишт теруучилар, дурадгорлар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи—ишбай.

Елғиз кишиларга ётоқхона оилаларга 1 ярим йил ичида навбати билан уй берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Мукимий кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (9, 11-трамвайлар 3, 23, 54-автобусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий-текшириш институти коллективи лабораторияси бошлиғи, химия фанлари кандидати

Ҳамид Файзиевич ҲАЙДАРОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалиги — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 3 — 08, Нукус 42 — 62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—68, Урганч 34—55

Б № — 130. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р — 05976.